



2020-yil “12” октябрь Т/р 3101-К “ ” 2020 года

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 160-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори тўғрисида

Қўшработ туманида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги 160-Қ-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги “Самарқанд вилояти иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 612-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Қўшработ тумани иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлари;

Қўшработ туманида кўп квартиралли турар жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

Қўшработ туманида иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти объектларини ҳамда технологик асбоб-ускуналарни куз-қиш мавсумига тайёрлаш параметрлари;

Қўшработ туманида электр тармоқлари ва қурилмаларини куз-қиш

даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари;

Кўшработ туманида газ таъминоти объектлари ва қурилмаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари;

Кўшработ туманида ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш параметрлари;

Кўшработ туманида куз-қиш мавсумида аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари;

Кўшработ туманида куз-қиш мавсумига кўмир маҳсулотларини ғамлаш параметрлари;

Кўшработ туманида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш учун йўналтириладиган маблағлар ва уларнинг манбалари;

Кўшработ туманининг олис ва бориш қийин бўлган ҳамда тоғли худудларда жойлашган ва сел келиши оқибатида йўллари талафот кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларда кўмир, суюлтирилган газ ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш параметрлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

туман иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) 1-иловага;

туманда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Комиссия:

бир ҳафта муддатда туман иқтисодиёти тармоқларини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

туманнинг ҳар бир худуди, бўйича бошқарма, корхона ва ташкилотлар билан келишган ҳолда, шаҳар ва туманлар ҳокимлари томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Туман ҳокимининг ўринбосарлари (О.Аблакулов, Х.Кубаев), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев) Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган комплекс тадбирларнинг ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

Туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси билан биргаликда 2 кун муддатда жойлардаги уй-жой коммунал хўжалиги инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация объектларининг ҳолати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича туманни “қизил”, “сарик” ва “яшил” зоналарга ажратсин;

Туман Халқ таълим бўлими (Ш.Кўшбоқов), туман Мактабгача таълим бўлими (Б.Абдувоҳидов), туман Соғлиқни сақлаш бирлашмаси (У.Шамсиев), туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими (А.Мухамматов), туман Маданият бўлими (С.Рашидов) ижтимоий соҳа объектларини, жумладан мактабгача таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт объектларини куз-қиш мавсумидан беталафот ўтказиш юзасидан манзилли тадбирларни белгиласин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин;

Туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев) жойлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг молиявий ҳолатини, айланма маблағлардан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб тизимини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кредитор ва дебитор қарздорликларини қисқартириш чораларини кўрсин;

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман Молия бўлими (А.Холматов) муҳандислик-коммуникация объектлари ва технологик ускуналарни мавсумга тайёрлаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш давридан беталафот ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун жорий йилда маҳаллий бюджетнинг кўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман Молия бўлими (А.Холматов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев) туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Кўп квартирали турар жой фондини таъмирлаш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилишини таъминласин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман ҳокимининг ўринбосари-туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (М.Шамсиева), туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Жумонов) икки кун муддатда:

а) “темир дафтар”ларга киритилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар билан алоҳида ишлаш тизимини яратсин.

Бунда:

ҳар бир сектор раҳбари томонидан сектор ва маҳаллалар кесимида куз-қиш “темир дафтар”ининг шакллантирилишини;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини амалга оширишни биринчи навбатда куз-қиш “темир дафтари”га киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш, озиқ-овқат захираси ва болаларини иссиқ кийим-кечак билан таъминлашдан бошлашни назарда тутсин.

б) “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан оилаларни куз-қиш мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва дори-дармон захиралари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, О.Аблакулов), туман ҳокимининг ўринбосари-туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (М.Шамсиева), туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Жумонов), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти филиали в.в.б (Б.Усанов), туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (З.Аминов), туман Молия бўлими (А.Холматов) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 октябрдаги 612-сонли қарорининг 10-илоvasи билан тасдиқланган олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳамда тоғли ҳудудларда жойлашган ва сел келиши оқибатида йўллари талафот кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларда кўмир ва суюлтирилган газ ва камида 15-20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратсин.

9. Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти филиали в.в.б (Б.Усанов), “Қўшработ ТЭТК” бўлими (Х.Мавлонов), “Ўзбеккўмир” АЖ “Кўмир таъминот” МЧЖ Кўролос кўмир омбори (Т.Чўтбоев) билан биргаликда:

туманда, айниқса туманнинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудида аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир ёқилғиси билан ўз вақтида таъминлаш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёқилғи ресурсларини узлуксиз етказиб бериш;

ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари, уларга хизмат кўрсатувчи қозонхоналар, сув иншоотлари ва насос станцияларини узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш;

трансформатор нимстанцияларини таъмирлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолига зарур миқдорларда табиий ва суюлтирилган газ етказиб бериш ҳамда жойларда кўмир маҳсулотларининг ғамланиши билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун туманнинг ҳудудларида мунтазам равишда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб бориш чораларини кўрсин.

10. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, О.Аблакулов, Х.Кубаев), зиммасига – иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва

кўп квартирали турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

11. Туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев) Комиссия билан биргаликда:

туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят штабига кунлик маълумот тақдим этиб борсин;

ҳар ойда туман секторлар раҳбарлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобот бериб борсин;

туман сектор раҳбарлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бўйича маҳаллий телевиденияларда ҳар ойда “очик мулоқот” ҳамда брифинглар ўтказиб борилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, О.Аблакулов, Х.Кубаев) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Оқбутаев

Туман ҳокимининг
 2020 йил “ / 2 ” октябрдаги
 3/01-К₁ –сонли қарорига
 1-илова

Туман иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп қаватли турар жой фондиди 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Ташкилий чора-тадбирлар			
1.	Аҳоли яшаш пунктларида: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти қозонхоналари, муҳандислик-коммуникация объектлари ва жиҳозларини таъмирлаш бўйича; аҳолига суюлтирилган газни (овқат пишириш учун) узлуксиз етказиб бериш, уларни кўмир ва кўмир брикетлари, шунингдек, чекка худудларда яшовчи аҳолини ичимлик сувининг муқобил манбалари (шу жумладан ташиб келтириладиган сув) билан таъминлаш бўйича масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини аниқ белгиланган ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев), “Қўшрабботгумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов), “Қўшработ ТЭТК” бўлими бошлиғи (Х.Мавлонов) “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман булими бошлиғи (М.Шарипов), “Ўзбеккўмир” АЖ “Кўмир таъминот” МЧЖ Қўролос кўмир омбори (Т.Чўтбоев)
2.	Иқтисодиёт тармоқларини 2020/2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ бўлган нефт ва нефт маҳсулотлари, газ, конденсати, суюлтирилган газ, кўмир, шу жумладан кўмир брикетлари, техник туз ва бошқа юкларни етказиб бериш бўйича	Белгиланган муддатда	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Қўшработгумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов), “Ўзбеккўмир” АЖ “Кўмир таъминот” МЧЖ Қўролос кўмир

	зарурий чораларни кўриш.		омбори (Т.Ўтбоев)
3.	Машиий газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фавқулодда ходисаларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман ФВБ бошлиғи майор (А.Ғаниев), “Қўшрабботтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов)
4.	Турар жой мавзеларидаги кўчалар ва шох кўчаларда кичик ирригация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш.	Белгиланган муддатда	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)
5.	Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йил октябрь ойидан 2021 йил апрель ойига қадар бўлган давр мобайнида улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича келишилган ойлик жадвал ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Қўшрабботтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов)
II. Ёқилги-энергетика мажмуасини барқарор ишлашга таяёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
6.	Асосий ва йирик муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда технологик ускуналарни капитал ва жорий тамирлаш, жумладан: “Қўшрабботтумангаз” газ таъминоти бўлимининг 1 та газ тақсимлаш пунктини капитал таъмир, 35 км қувурларни босим остида синаш ва тозалаш, 6 км ер ости қувурларини маҳус приборлар ёрдамида текшириш ҳамда 240 газ тақсимлаш пунктини тафтишда ўтказиш; “Қўшраббот ТЭТК” бўлимининг 44 та трансформатор пунктини ва 194 км паст кучланишли электр тармоқлари мукамал таъмирлаш ҳамда 190 та трансформатор пунктини ва 258 км паст кучланишли	2020 йил 1-ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Қўшрабботтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов), “Қўшраббот ТЭТК” бўлими бошлиғи (Х.Мавлонов)

	электр тармоқлари жорий таъмирлаш;			
7.	Куз-киш даврида қозонхоналарни узлуксиз ва барқарор ишлашни таъминлаш мақсадида соҳа ташкилотлари томонидан зарур суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини яратиш	2020-йил 1 ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов)	
8.	Аҳоли, ижтимоий соҳа объектиларни ва иқтисодий тармоқларнинг кўмирга бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш.	2020/2021 йиллар куз-киш мавсумида	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), “Ўзбеккўмир” АЖ “Кўмир таъминоғ” МЧЖ Кўролос кўмир омбори (Т.Чўтбоев)	
9.	Туман ҳокимлиги томонидан шакллантирилган рўйхатлар асосида куз-киш даврида табиий газ таъминотининг танқислиги кутилаётган туманлар ва аҳоли пунктларига тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-киш мавсумида 2700,0 тонна, жумладан жорий йил октябрь-декабрь ойларида 1317,6 тонна суюлтирилган газни қафолатланган тарзда етказиб бериш.	2020 йил октябрь ойида 2021 йил 1 апрелга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Жуманов), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов)	
10.	Олис ва бориш қийин бўлган худудларда ҳамда тоғли худудларда жойлашган ва сел келиши оқибатида йхллари талофат кўриши эҳтимоли мавжуд кишлоқларда: куз-киш мавсуми учун зарур миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари захирасини яратиш; суюлтирилган газтўлдириш ва тарқатиш шохобчаларини ташкил этиш	2021 йил 1 январга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфилдинов, О.Аблакулов), туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (З.Жуманов), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи в.в.б (Б.Усанов)	
III. Кўп қаватли турар жой фондини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар				
11.	Тумандаги кўп қаватли турар жой фондини таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш. Бунда, ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, жорий йилда молиявий аҳволи барқарор бўлган кўп қаватли уйларни бошқарувчи ташкилотлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг аниқ	Икки кун	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфилдинов, О.Аблакулов), туман уй-жой каммунал хизмати кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев), АТ “Халқ банки” туман бўлими (Қ.Халикулов)	

	миқдорларини белгилаш.	Икки кун	
12.	<p>Кўп квартиралар турар жой фондиди куз-киш мавсумига тайёрлаш учун;</p> <p>Зарур чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;</p> <p>уй-жой мулкдорлари ширкатларининг муоммоли қарздорларни тўлиқ синдириш графигини тасдиқлаш;</p> <p>уй-жой мулкдори ширкатларнинг муоммоли қарздорлигини графика асосан, шу жумладан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ сўндириш чораларини кўриш.</p>	<p>Йил давомида</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, О.Аблакулов), АТ Халқ банк туман бўлими (Қ.Халикулов), туман Молия бўлими (А.Холматов), туман уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш бўлими в.в.б (П.Отаев),</p>
13.	<p>Кўп квартиралар турар жой фондиди таъмирлаш учун бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига графика асосан зарур миқдорларда кредитлар ажратиш. Шунингдек:</p> <p>Кредитларнинг гаров таъминоти учун худудий ҳокимликлар томонидан кафиллик тақдим этиш;</p> <p>Кредитлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан доимий маниторинг қилиш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), АТ Халқ банк туман бўлими (Қ.Халикулов), туман Молия бўлими (А.Холматов)</p>
14.	<p>Маҳаллий бюджет, банк кредитлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан кўп квартиралар уйда таъмирлаш ишлари сифати амалга ошириш.</p> <p>(Изоҳ):</p> <p><i>2018-2019 йилларда Дастур асосида туман ҳудудидаги кўп квартиралар уйлар тўлиқ таъмирланган</i></p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблокулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>

15.	<p>Кўп квартирали уйлар, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши хавфсизлик техник меёрларига мослиги ҳолатини текшириб, кўп квартирали уйлардаги дудбуронларни ва вентиляция тизимини таъмирлаш, изоляциякилиш ва тозалаш ишларини амалга ошириш.</p>	Икки кун	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев), “Қўшработтумангаз” газ таъминоти бўлими в.в.б (Б.Усанов)</p>
16.	<p>Марказлашмаган иссиқлик тизимига эга кўп квартирали уйларни ҳагловдан ўтказиш ва мавсумда ушбу уйларни исситиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблакулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>
17.	<p>Марказлашмаган иссиқлик таъминоти ички тизимлари носоз бўлган кўп квартирали уйларнинг носоз ички тизимларини тиклаш бўйича секторлар кесимида манзилли дастурни тасдиқлаш ва амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблокулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>
18.	<p>Истеъмолчиларни ишончли ва хавфсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида кўп квартирали уйларда электр энергиясидан хавфсиз фойдаланиш қондаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.</p>	Икки кун	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблокулов), “Қўшработ ТЭТК” бўлими бошлиғи (Х.Мавлонов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>
<p>IV. Иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти объектларини таяёрлаш бўйича чора-тадбирлар</p>			
19	<p>Ичимлик суви ва канализация тизимини капитал ва қисмини жорий таъмирлаш. (Изоҳ): <i>2018-2019 йилларда Дастур асосида туман ҳудудидаги кўп квартирали уйлар тулиқ таъмирланган</i></p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблокулов), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман бўлими бошлиғи (М.Шарипов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>

V. Ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар

<p>20</p>	<p>Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш. Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> 1 та умумтаълим мактаби реканструкция қилиш 1 та умумтаълим мактаби спорт зали қуриш 4 та умумтаълим мактаби филиални жорий таъмирлаш 2 та умумтаълим мактаби филиални янгидан қуриш 5 та мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш; <p>Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорт мактаблари ҳамда бошқа масалаларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан барча зарурий чораларни кўриш.</p>	<p>2020 йил 1-ноябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосарлари (О.Аблокулов, Х.Кубаев), туман Халқ таълими бўлими (Ш.Кўшбоков), туман Мактабгача таълими бўлими (Б.Абдувоҳидов), туман Соғлиқни сақлаш бўлими (У.Шамсиев), туман Жисмони тарбия ва спорт бўлими (А.Мухамматов), туман Маданият бўлими (С.Рашидов)</p>
<p>21</p>	<p>Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича ташкил қилинган махсус шифоналар ва вақтинчалик карантинда сақлаш мажмуаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга оширилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2020 йил 15 октябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (Х.Кубаев), туман Соғлиқни сақлаш бўлими (У.Шамсиева)</p>
<p>22</p>	<p>Бюджет ташкилотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун зарур бюджет маблағларини жорий йилнинг III-чорагида ажратиш. Жумладан:</p> <p>Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун туман маҳаллий бюджетидан белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини;</p> <p>Ижтимоий соҳа объектларига кўмир сотиб олиш учун биринчи навбатта зарур бўладиган маблағ ажратилишини таъминлаш.</p> <p>Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларига кўшимча талаб қилинадиган кўмир харажатларини бозор нархларида қоллаб бериш</p>	<p>2020 йил 15 октябрга қадар</p>	<p>Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман Молия бўлими (А.Холматов)</p>

	чораларини кўриш.			
23	Бюджет ташкилотларининг кўмирда ишлайдиган қозонхона ва исситиш тизимларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатларини ўрганиб чиқиш , мавжуд камчиликларни баргараф этиш чораларни ишларини амалга ошириш.	2020 йил 15 октябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (О.Аблоқулов, Х.Кубаев), туман Халқ таълими бўлими (Ш.Қўшбоқов), туман таълими бўлими (Б.Абдувоҳидов), туман Соғлиқни сақлаш бўлими (У.Шамсиев), туман Жисмони тарбия ва спорт бўлими (А.Мухамматов), туман Маданият бўлими (С.Рашидов)	
24	Халқ таълими тизимидаги ичимлик суви таъминланган умумтаълим мактабларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш.	2020 йил 1-ноябрга қадар	Туман ҳокимининг ўринбосарлари (И.Сайфиддинов, О.Аблоқулов, Х.Кубаев), туман Халқ таълими бўлими (Ш.Қўшбоқов), туман Молия бўлими (А.Холматов), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ туман бўлими бошлиғи (М.Шарипов)	
VI. 2020/2021 йиллар киш баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш бўйича чора-тадбирлар				
25	Молиявий аҳоли барқарор бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаруви қорхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида уларга банк кредитлари ўз вақтида ажратилишини ва уларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш.	Доимий равишда	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), АТ Халқ банки туман бўлими (Қ.Халиқулов)	
26	“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан муҳтож оилани куз-қиш мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва дори дармон захиралари билан таъминлаш.	2020 йил 1 январга қадар	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман ҳокимининг ўринбосари-Маҳалла ва оилани қўллаб	

			қувватлаш бўлими (М.Шамсиева)
VII. Чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш			
27	<p>Комиссия томонидан 2020/2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати юзасидан тахлилий маълумотларни вилоят штабига тақдим этиб бориш.</p>	<p>хар ҳафта яқуни билан</p>	<p>Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Аблокулов), туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи в.в.б (П.Отаев)</p>
28	<p>Ижтимоий соҳа да куз-қиш мавсумига тайёргаргарлик кўриш ва уни беталофаг ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда ходимлар учун зарур меҳнат шароитлари яратилганлигини доимий равишда тахлил қилиб, вилоят штабига ахборот бериб бориш.</p>	<p>хар ҳафта яқуни билан</p>	<p>Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (И.Сайфиддинов), туман Бандликга кўмаклашиш маркази раҳбари (Д.Аликулов)</p>
29	<p>Туман иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижаларини, жумладан:</p> <p>Аҳолини сюлтирилган газ ва кўмир билан таъмирлаш масалаларини;</p> <p>Мавсумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда камчиликларга йўл қўйган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини оммовий ахборот воситаларида кенг ёритиб боришни таъминлаш.</p>	<p>Доимий равишда</p>	<p>Туман ахборот бўлими бошлиғи (Б.Мамадиёров), “Истикболсари” газетаси муҳаррири (Х.Мамарасулов)</p>

Ижрочи: Туман *Абдуқадир*нинг бош мутахассиси
Абдуқадир Ш.Болиқулов

Туман ҳокимининг
2020 йил “12” октябрдаги
3101-К сонли қарорига
2-илова

**Туманда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп
квартиралли турар жой фондини 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор
ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси**


ТАРКИБИ

И.Сайфиддинов	-	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
О.Аблакулов	-	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
Х.Кубаев	-	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
М.Шамсиева	-	туман ҳокимининг ўринбосари - туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
П.Отаев	-	туман Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи в.в.б, комиссия котиби
Ш.Кўшбоқов	-	туман Халқ таълими бўлими mudiri
А.Холматов	-	туман Молия бўлими бошлиғи
Қ.Халиқулов	-	АТ “Халқ банки” Қўшработ филиали бошлиғи
Б.Абдувоҳидов	-	туман Мактабгача таълим бўлими mudiri
У.Шамсиев	-	туман Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
З.Жуманов	-	- туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш бўлими
З.Сувонкулов	-	туман ИИБ бошлиғи
А.Турдиев	-	туман Санитария ва эпидемиология-осойишталик маркази бош врач
Б.Усанов	-	“Қўшработтумангаз” газ таъминоти филиали бошлиғи в.в.б
Х.Мавлонов	-	“Қўшработ ТЭТК” бўлими бошлиғи
М.Шариқов	-	“Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Қўшработ туман бўлими бошлиғи
Т.Чўтбоев	-	“Ўзбеккўмир” АЖ “Кўмир таъминот” МЧЖ Қўролос кўмир омбори
А.Ғаниев	-	туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Изоҳ:

1. Туман ҳокими комиссия аъзоси ҳисобланади.
2. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига янги тасдиқланган ходим комиссия аъзоси ҳисобланади.

Ижрочи: Туман ҳокимлигининг бош
мухтассиси

 Ш.Болиқулов